

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХИТДИНОВ ЭРКИН МАДОРБЕКОВИЧ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИННИНГ РОЛИ

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Мухитдинов Эркин Мадорбекович

Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат

миграциясининг роли 3

Мухитдинов Эркин Мадорбекович

Роль трудовой миграции в обеспечении занятости населения 27

Mukhitdinov Erkin Madorbekovich

The role of labor migration in ensuring employment of population 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХИТДИНОВ ЭРКИН МАДОРБЕКОВИЧ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИННИНГ РОЛИ

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1030 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич**
ЎЗР ФА академиги, и.ф.д.

Расмий оппонентлар: **Исломов Бахтиёр Анварович**
и.ф.д., профессор

Абулқосимов Хасан Пирназарович
и.ф.д., профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100003, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-85; факс: (99871) 239-28-85; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100003, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Раҳимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д.

Н.Т. Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ташқи меҳнат миграцияси меҳнат мигрантларини юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, унинг мамлакатлар меҳнат бозори ва меҳнат ресурслари таркибини шакллантириш, демографик жараёнларни тартибга солиш ҳамда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдаги роли мунтазам равишда ошиб бормоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг маълумотига кўра, «2019 йилда жаҳонда халқаро мигрантлар сони 272 миллионга етди, бу эса 2010 йилга нисбатан 51 миллионга кўпдир. Халқаро мигрантлар бутун дунё аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткич 2000 йилда 2,8 фоизни ташкил этган»¹. Экспертларнинг фикрига кўра, бу мамлакатларда мигрантлар сонининг ортишига улардаги меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланганлиги ҳамда турли малака даражасидаги меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг юқорилиги сабаб бўлган.

Жаҳонда меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миграцион жараёнларни самарали, оқилона ва барқарор бошқариш воситаларини шакллантириш учун умумий ёндашув ва стратегияларни ишлаб чиқиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва инсон ресурсларини сафарбар қилишнинг илмий асосларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида меҳнат миграциясининг ҳозирги тенденцияларини, унинг замонавий меҳнат бозори шаклланишига таъсирини ўрганиш, миграция жараёнларини тартибга солишнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, интеллектуал миграция ва унинг аҳолини иш билан бандлигига таъсирини меҳнат миграциясининг муҳим компоненти сифатида тадқиқ этиш ҳамда меҳнат миграциясининг иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолаш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ҳаракатланишини, аҳолини ҳудудий жиҳатдан ҳаракатчанлиги тенденцияларига мос келувчи ва иқтисодий таркибий жиҳатдан ўзгартириш шароитларига мутаносиб йўналишларини самарали амалга ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарнинг асосий фаолият йўналишларини ишлаб чиқиш, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлиги ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш»² бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши аҳолини иш билан самарали бандлигини

¹International Organization for Migration (IOM), The UN Migration Agency. World migration report 2019. International Organization for Migration. 17 route des Morillons. P.O. Box 17.1211 Geneva 19

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

таъминлашда давлатнинг миграцион сиёсатини халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар асосида такомиллаштиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сонли «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш масалалари сўнгги йилларда олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг диққат марказида турибди, бу эса бозор ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, демографик сиёсатни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар билан изоҳланади. Халқаро миграциянинг иқтисодий, демографик ва ижтимоий жиҳатлари соҳасидаги чет эллик олимлар, жумладан, Ж.Саймон, Ж.Хеффер, С.Стауфер, М.Миллер, С.Хейтман, Г.Хьюго, М.Пулен, Г.Симон, Fletcher Baragar ва Harald Bauder, Ilka Steine, Iffath Unissa Syed, I.H.Burnley, A.Smith Adrian ва бошқалар³нинг асарларида ўрганилган бўлиб, улар диссертация тадқиқотининг назарий ва методологик асоси ҳисобланади.

³ Rita J Simon; Caroline Brettell International migration: the female experience. Totowa, N.J.: Rowman & Allanheld, 1986.; Heffer J., «Du «Pull» et du «Push»» in: Les immigrations Europeennes aux Etats-Unis (1880-1910), Paris, 1989.; Stouffer S., Intervening Opportunities: a Theory Relating Mobility and Distence, Am.Soc.Rev., 1940.; Castles S., Miller M. J. The Age of Migration: international Population Movements in the Modern World. – London, 1998. – P. 7, 58, 69, 107, 119, 126, 132, 143.; Билсборроу Р., Хьюго Г., Оберай А., Злотник Х. Статистика международной миграции. Рекомендации по совершенствованию систем сбора данных. М., 1999.; Poulain, M. and N. Perrin Is the measurement of international migration flows improving in Europe. Working Paper No. 12. Joint ECE-EUROSTAT Work Session on Migration Statistics organized in cooperation with the UN Statistics Division. UN Statistical Commission and the UN Economic Commission for Europe (Eurostat). Geneva, 21-23 May. 2001.; Tribalat M., Simon P., Riandey B., «De l'immigration a l'assimilation: enquete sur les populations d'origine etrangere en France», Paris, la Decouverte, 1996.; Fletcher Baragar. Harald Bauder. Labor Movement: How Migration Regulates Labor Markets. Journal of International Migration and Integration. June 2008, Volume 9, Issue 2, pp 239-240.; Ilka Steine. Settlement or Mobility? Immigrants' Re-migration Decision-Making Process in a High-Income Country Setting. Journal of International Migration and Integration. February 2019, Volume 20, Issue 1, pp 223-24.; Iffath Unissa Syed. Labor Exploitation and Health Inequities Among Market Migrants: A Political Economy Perspective. Journal of International Migration. May 2016, Volume 17, Issue 2, pp 449-465.; Burnley I.H. Developments and Complementarities in International Migration Paradigms. Journal of International Migration. February 2016, Volume 17, Issue 1, pp 77-94.; Smith, Adrian A., «The Bunk House Rules: Housing Migrant Labour in Ontario». Osgoode Research Paper Series. 98.

Бугунги кунда Россия ва МДХнинг бошқа мамлакатлари олимлари ва мутахассислари Г.С.Витковская, С.В.Журавлев, Ж.Зайончковская, А.Г.Злотников, В.А.Ионцев, О.А.Иконников, А.Н.Каменский, Е.С.Красинц, Е.С.Кубишин, В.Ф.Медведев, В.В.Почекина, Р.М.Супрунович, В.А.Тихонов, Е.В.Тюрюканова ва бошқаларнинг⁴ эмиграция ва мажбурий миграция масалаларига бағишланган тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида миграция соҳасига оид илмий тадқиқотлар: Р.А.Убайдуллаева, К.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, З.Я.Худойбердиев, Г.К.Абдурахмонова, Л.П.Максакова, Д.А.Артыкова, Д.Н.Раҳимова, Н.Х.Раҳимова, Н.К.Зокирова каби олимлар томонидан олиб борилмоқда⁵. Мамлакатимиз олимларининг меҳнат бозори фаолиятига доир нашрлари, шунингдек меҳнат миграцияси муаммолари бўйича тадқиқот материаллари мавжудлигига қарамай, муаммонинг айрим жиҳатлари масалани янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда. У ёки бу мамлакат иқтисодий тараққиётининг унинг халқаро меҳнат алмашинувида иштирокига боғлиқлиги, унинг ташқи миграция соҳасидаги давлат сиёсати таъсирини

⁴ Витковская Г.С. Новые диаспоры в Центральной Азии: миграционный потенциал // Социологические исследования. – 1999. – №3. – с. 14-18.; Зайончковская Ж., Флоринская Ю. Незаконная миграция в российско-казахстанских приграничных районах // Проблема незаконной миграции в России: реалии и поиск решений. М.: МОМ, 2004.; Злотников А.Г. Миграционные процессы в Беларуси на рубеже столетий // Социология. 2004. № 2. – С. 3-12.; Ионцев В.А. Международная миграция / Под общей ред. О.Д.Воробьевой. // Вып.3. [Прилож. к журн. «Миграция в России»]. – М., 2001; Иконников О.А. Эмиграция научных кадров из России: сегодня и завтра.: М., 1993.; Каменский А.Н. Международная трудовая миграция и участие в ней России, диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук, Москва, 2002.; Красинец Е.С. Миграция населения в Российской Федерации: тенденции развития и проблемы регулирования / Красинец Е.С, Тюркжанова Е.В. // Власть 2004. №10.; Красинец Е.С, Кубишин Е.С, Тюрюканова Е.В. Нелегальная миграция в Россию. – М., 2000.; Международный рынок услуг / В.В. Почекина, Ю.П.Якубук: под ред. В.Ф. Медведева. – Мн.: НО ООО «БИП-С», 2004. – 264 с.; Почекина, В. В. Модернизация рынка труда в условиях глобализации мировой экономики / В.В.Почекина, Р. М. Супрунович; под науч. ред. В. Ф. Медведева; Ин-т экономики НАН Беларуси. — Минск: Право и экономика, 2010. – 312 с.; Супрунович Р.М. Перспективные технологии привлечения финансовых средств в инновационной экономике миграции / Междунар. науч.-практ. конф., / 25-26 марта 2010г.) / НАН Беларуси, Ин-т экономики; науч.-ред. совет: М.В.Мясникович и др. – Минск: Право и экономика, 2010 – с. 417-420.; Тихонов В.А. Закрытые города в открытом обществе. М., 1996.; Тюрюканова Е.В. Работа за границей: мечта и реальность//Новая занятость. М., 1997.

⁵ Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнларива аҳоли бандлиги (илмий-ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2006; Ата-Мирзаев О.Б. Особенности формирования новой демографической ситуации Узбекистана в годы независимости / Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. – Т., 2012.; Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 592 б.; Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2011.; Абдурахманова Г.К. «Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш». Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2014, с 216.; Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций // Постсоветские трансформации: отражение в миграциях / Под ред. Зайончковской Ж.А. и Витковской Г.С. / Центр миграционных исследований, Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. – М.: ИТ «Адамантъ». 2009.; Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. – Т.: Фан, 2005; Холмунинов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2004; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 267 б.; Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Х.О., Отажонов Ш.И., Алматова Д.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни юксалтириш омили. – Т.: Фан, 2011. –185 б.; Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2013. – С.272; Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Муротқобилов А.А., Раҳимов Ҳ.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари. Монография. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2013.

баҳолаш, ишчи кучи экспортидан олинадиган даромадларни таснифлаш ва турларга бўлиш, меҳнат қилувчи мигрантлар ўз юртига пул ўтказмалари шаклида таъминлайдиган валюта тушумлари ва уларнинг ўз мамлакатлари тўлов балансига, ҳамда иқтисодиётига таъсирини аниқлаш масалалари шулар жумласидандир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ №Ф-1-103 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида инсон салоҳиятини ривожлантириш» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича илмий, услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳоли меҳнат миграциясини ўрганишда асосий илмий ёндашувларни таснифлаш;

меҳнат миграциясининг Ўзбекистондаги демографик вазиятга таъсирини кўриб чиқиш;

ташқиллаштирилган меҳнат миграциясининг замонавий тенденция-ларини, унинг замонавий меҳнат бозори шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш;

халқаро миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини ўрганиш;

миграцияни малака даражаси бўйича меҳнат бозорига таъсирини муҳим компонент сифатида кўриб чиқиш;

ишсизларни ишга жойлаштириш ва касбга ўқитишда ХМТ билан ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш;

аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда ташқиллаштирилган меҳнат миграциясини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предметини аҳолининг меҳнат миграцияси таъсири остида меҳнат бозорида юзага келаётган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қиёсий ва статистик таҳлил, тизимли, таркибий ва функциявий ёндашув, гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, социологик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли ўртасида норасмий меҳнат миграциясини олдини олиш, ташқиллаштирилган меҳнат миграциясини ривожлантириш механизми хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни кўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакаси ва хорижий тилларни билиш даражасини

тасдиқлаш ҳамда уларни ишга жойлаштириш билан шуғулланиш ҳуқуқини лицензия асосида фаолият юритувчи ҳамда аккредитациядан ўтган юридик шахсларга тақдим этилиши таклифи асосланган;

меҳнат мигрантларига хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун қисқа муддатда, энг кам ҳужжатлар талаб қилган ҳолда тез расмийлаштирилувчи имтиёзли фоиз ставкасида микроқарзлар бериш таклифи асосланган;

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун суғурталанган ҳар бир меҳнат мигранти учун суғурта компанияларига йиллик бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиётини жорий этиш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўрнатилган тартибда меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга транспорт-логистика, банк-суғурта, консултатив-тарғибот хизматларини кўрсатиш тизимини жорий этиш асосланган;

ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб қилиш йўллари таклиф этилган;

бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасини ташкил этиш асосланган;

фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетиш бўйича бирламчи сарф-харажатларини қоплашда уларга Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит ажратиш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли бандлигини таъминлашда ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва хулосалар мазкур йўналишдаги услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан меҳнат ресурсларининг ҳаракатланишини тартибга солувчи, меҳнат миграцияси жараёнларини мақсадга мувофиқ тарзда

ташкил этиш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқишда, «Меҳнат муносабатлари», «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича қуйидагилар ишлаб чиқилган:

норасмий меҳнат миграциясини олдини олиш, ташкиллаштирилган меҳнат миграциясини ривожлантириш механизмини жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПФ-3839-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими хусусий тадбиркорлик масалалари Котибиятининг 2019 йил 13 ноябрдаги 02/1-2699-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилиб, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси кўламини кенгайтиришга имкон яратган;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакаси ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш ҳамда уларни ишга жойлаштириш билан шуғулланиш ҳуқуқини лицензия асосида фаолият юритувчи ҳамда аккредитациядан ўтган юридик шахсларга бериш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПФ-3839-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими хусусий тадбиркорлик масалалари Котибиятининг 2019 йил 13 ноябрдаги 02/1-2699-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида 2018 йилдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида аккредитациядан ўтиш асосида эса, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакасини, жумладан, касбий кўникмаларга эга бўлиш ва хорижий тилларни

билиш даражасини тасдиқлаш борасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган;

меҳнат мигрантларига хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун энг кам ҳужжатлар талаб қилган ҳолда тез расмийлаштириладиган имтиёзли фоиз ставкасида микроқарзлар бериш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПФ-3839-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими хусусий тадбиркорлик масалалари Котибиятининг 2019 йил 13 ноябрдаги 02/1-2699-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида меҳнат мигрантларига хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун бериладиган, бир банк куни давомида тез расмийлаштирилган ҳолда энг кам талаб қилинадиган ҳужжатлар асосида имтиёзли микроқарзлар бериш тартиби белгиланган;

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун суғурталанган ҳар бир меҳнат мигранти учун суғурта компанияларига йиллик бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиётини жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПФ-3839-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими хусусий тадбиркорлик масалалари Котибиятининг 2019 йил 13 ноябрдаги 02/1-2699-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси томонидан суғурта компанияларига йилига бир мартаба хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини ҳамда бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун суғурталанган ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 минг сўм миқдорида бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирадиган жами 11 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган республика журналларида 3 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та, шу жумладан, SCOPUS базасидаги журналда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 5 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 162 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Меҳнат миграциясини аҳолини иш билан бандлигига таъсирининг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида, меҳнат миграциясини ўрганишга илмий-назарий ёндашувлар ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни асосланган ҳамда меҳнат миграцияси ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш жараёнлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тадқиқ этилан.

Меҳнат миграциясига доир илмий қарашлар иқтисодий, географик, тарихий, демографик, тизимли, сиёсий ва бошқа ёндашувлар доирасида шаклланмоқда. Аҳоли миграциясини ўрганишда асосий назарий ишланмалар таҳлили уларнинг кўпчилиги миграцияга ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари элементи сифатида қарашга асосланган деб, хулосага келиш имконини беради. Халқаро меҳнат миграциясини ўрганишга ёндашув меҳнат миграциясини бошқарув объекти сифатида кўриб чиқишга асосланган. Бундай талқин халқаро меҳнат миграцияси оқимини тузиб чиқиш, назарияда меҳнат миграциясининг ҳар хил турлари ва уни тартибга солиш тажрибасини ўрганиш имконини берди (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат миграцияси меҳнат ресурсларининг миграцион ҳаракати эмас, балки унинг айрим турлари ва тоифалари бу фанларнинг бевосита предмети эканлигини қайд этиш жуда муҳимдир.


Миграция ҳаракатлари мамлакат меҳнат ресурсларининг миқдорий ва сифат хусусиятларини шакллантирадиган ва аҳолини иш билан бандлигига таъсир кўрсатадиган миграция сиёсати регуляторларидан биридир.

Миграцияни ўрганишга назарий ёндашувлар (қийсий таҳлил)⁶

Назарий Ёндашув	Тадқиқот йўналишлари	Назариялар, концепциялар, илмий йўналишлар	Тадқиқотнинг асосий гипотезалари	Тадқиқотчилар
Демографик	Миграциянинг аҳоли характеристикасига таъсири	Аҳолишуносликнинг умумий назарияси, Демографик ёндашув назарияси, Мобил ўтиш концепцияси, Миграция ёндашуви концепцияси, Миграциянинг ноль сальдоси концепцияси	Мигрантлар ҳудудда туғилишни оширади	А. Сови, Д. Валентей, А. Кваша, А. Ландри, Ф. Ноутстейн, Л. Таба, Н. Кейфиц, Р. Убайдуллаева ва бошқ.
Тизимли	Ривожланаётган мамлакатларда ва таркибий трансформацияни бошидан кечираётган мамлакатларда эмиграцияни келтириб чиқарадиган омилларни, шунингдек ривожланган мамлакатларда мигрантларга талабни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш	Неоклассик назария, Миграциянинг янги иқтисодий назарияси, Сегментланган меҳнат бозори назарияси, Жаҳон тизимлари назарияси, Жамият капитали назарияси, Кумулятив сабабият назарияси	Халқаро миграция иқтисодий ўсиш ва ривожланиш мавжуд эмаслиги натижаси эмас, балки таракқиёт натижаси ҳисобланади	Д. Массей, М. Критц, Б. Умурзаков, Г. Абдурахманова ва бошқ.
Иқтисодий	Миграцион хулқ-атворга мотивацияни шакллантириш	Неоклассик назария, Инсон капитали назарияси, Миграциянинг янги иқтисодий назарияси, Сегментланган меҳнат бозори назарияси, Жаҳон тизимлари назарияси, Янги халқаро иқтисодий тартиб концепцияси ва б.	Қабул қилувчи мамлакатга кўниқиш индивиднинг хислатларига боғлиқ	Т. Ман, Ж.-Б. Кольбер, А. Смит, Т. Мальтус, К. Маркс, Д. Кейнс, Б. Томас, Дж. Беккер, К. Тейлор, Б. Бреев, В. Костаков, Дж. Саймон, Л. Максакова
Социологик	Мигрантларни кўниқтиришнинг турли шакллари бегилаб берувчи омиллар	Структурализм ва /ёки функционализм Ижтимоий низо назарияси	Тарк этиладиган ва кўчиб бориладиган ҳудудларнинг жозибдорлиги ёки жозибдор эмаслиги кўп жиҳатдан шахслараро ўзаро муносабатларга, ватандош мигрантлар жамияти, қариндошлик ва дўстлик ришталари, этник гуруҳ аввалги миграция тажрибасини акс эттирувчи тарихий анъаналарга ва ҳоказоларга боғлиқ.	Ю. Арутюнян, А. Сусоколов, Т. Юдина, М. Кислицына, Р. Мертон, А. Портес, Н. Зокирова
Бошқарув	Миграция жараёнларини бошқаришнинг субъект-объект тизимини аниқлаш. Миграция оқимларини бошқаришни мақбуллаштириш	Давлат бошқаруви назарияси Менежмент назарияси Бошқарув назарияси Миграция менежменти концепцияси	Миграция сиёсати турли тоифадаги мигрантларга нисбатан тоифаланган бўлиши керак. Институционал тузилмаларнинг ва улар ўртасидаги мувофиқликнинг мукамал эмаслиги хорижий ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиришга кўмаклашади	В. Вильсон, Ф. Гуднау, М. Вебер, Ф. Тейлор, А. Файоль, Э. Мэйо, Е. Тюрюканова, К. Абдурахманов

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Муаллифнинг фикрича, меҳнат миграциясининг аҳоли иш билан бандлигига таъсири ишчи кучининг асосан малака белгилари билан ифодаланади (1-расм).



1-расм. Аҳоли иш билан бандлигининг ташкилий белгилари асосидаги шакллари таснифи⁷

Меҳнат миграцияси Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат ресурслари кўчишининг вақтинчалик хусусияти ҳисобланади. Меҳнат ресурслари миграциясининг уни берувчи ва қабул қилувчи давлатлар иқтисодиётига таъсири оқибатларини аниқлаш учун назарий ёндашувлардан фойдаланишда меҳнат бозорига, миллий инсон капиталини шакллантиришга ва иқтисодий тараққиётга тааллуқли ёндашувларгагина таяниш керак.

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бундай ёндашув иқтисодий таркибий қайта тузиш харажатларини камайтиришга қаратилган бўлиб, бунга қуйидагилар ҳисобига эришилади:

- ишга ёллаш (ишдан бўшатиш) шакллари ва бандлик шакллари қулайлигининг хилма-хиллиги;

- иш вақтини тартибга солиш қулайлиги, иш вақтини меъёрга солмайдиган ўзгарувчан иш режими;

- иш ҳақини тоифаланган ёндашув асосида тартибга солишнинг қулайлиги;

- ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари ва шаклларининг қулайлиги, шунингдек, меҳнат миқдори, тузилиши, сифати ва нархини меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўзгаришига мослаштириш.

2-жадвал.

Меҳнат миграциясини қабул қилувчи мамлакат учун хорижий меҳнат ресурсларидан фойдаланиш оқибатлари⁸

Ижобий оқибатлар	Салбий оқибатлар
Меҳнат бозори учун оқибатлар	
Ишчи кучи тақчиллиги муаммоларини камайтириш	Маҳаллий ходимлар иш ҳақи камайишига олиб келадиган меҳнат бозоридаги демпинг
Мигрантларнинг уй хўжалигидаги бандлиги аёлларнинг бандлигига кўмаклашади	Маҳаллий аҳоли орасида ишсизлик ошиши ва малакаси пастроқ ходимларнинг маргиналлашуви
Кичик бизнес ва тадбиркорликда бандликни ошириш	Меҳнат бозорининг айрим секторлари криминаллашуви
Малакасиз ишларда бандликни таъминлаш	Худуд меҳнат бозорида «миграция анъаналари»нинг вужудга келиши
Мигрантларнинг иқтисодийнинг «обрўсиз» соҳаларида банд бўлиши маҳаллий ходимларнинг вертикал мобиллигига кўмаклашади	
Инсон капитали ривожини учун оқибатлар	
Ёш ва малакали ходимларни танлаб олиш орқали ишчи кучи сифатини ошириш (юқори малакали ишчи кучи сегментида)	Малакаси паст ишчи кучи кўп бўлганда ва ўрнини босиш тенденциялари бор бўлганда, миллий инсон капитали умумий даражаси пасаяди
	Қашшоқликнинг ошиши (иш йўқотиши сабабли мигрант деклассация қилинганда)
Ташқи иқтисодий фаолият учун оқибатлар	
Меҳнат ресурсларини қабул қилувчи мамлакат иқтисодий субъектлари билан кўшма корхоналар сонининг ошиши	
Меҳнат ресурсларини экспорт қилувчи мамлакат ва қабул қилувчи мамлакат ўртасида товар айланмасини ошириш	

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, қулай меҳнат бозори концепцияси тадбиркорлар ва ходимлар ўзаро муносабатларининг кўп образли шакллари шакллантиришни назарда тутаяди ҳамда ялпи харажатларни мақбуллаштиришга, фойдани оширишга ва аҳоли иш билан бандлигининг юксак даражасини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шундай қилиб, иш билан бандликнинг кўриб чиқилган концепциялари ва назариялари бизга Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодий ривожлантириш учун қуйидаги фикрни шакллантириш имконини берди. Муаллифнинг фикрича, тўлиқ бандликни ёппасига иш билан таъминлаш деб талқин қилиб бўлмайди, бошқа тарафдан, иқтисодиёт ислоҳ қилинаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг иш билан бандлик сиёсати ишсизликнинг табиий даражаси самарадорлигини тан олувчи назарияга асосланмаслиги керак, чунки узок давом этадиган ишсизлик ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан, мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин эмас. Эътиборни иш билан бандликнинг қулай шакллари ва уни тартибга солишнинг фаол усуллари ривожлантиришга, мобил ходимни шакллантиришга қаратиш зарур.


Меҳнат иммиграцияси, биринчи навбатда, ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатнинг меҳнат бозорига таъсир кўрсатади. Қайд этилганидек, бундай таъсир ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга эга (2-жадвал).

Меҳнат ресурслари импорти ишчи кучи тақчиллиги муаммосини камайтиришга кўмаклашади. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳозирги вақтда туғилиш камайганлиги туфайли меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сони камайиб бормоқда. Бу муаммони қуйидаги икки хил йўл билан ҳал қилиш мумкин: меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва меҳнат иммиграциясини рағбатлантириш. Биринчи вариант вақт талаб қилади ва технологик ривожлантирилиши лозим. Иккинчи вариант айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун юзага келган тақчилликни тезликда кондиришни таклиф этади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграциясининг ривожланишини аҳолини иш билан бандлигига таъсири таҳлили**», деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистон меҳнат бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари таҳлили амалга оширилган бўлиб, халқаро миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш механизми таклиф этилган, меҳнат миграцияси ва аҳоли иш билан бандлигини ривожлантириш жараёнлари ўзаро боғлиқлиги исботланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва иш билан бандлик соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли сони 33,085 млн. кишига етди, бу эса 1995 йилга нисбатан 45,2 фоизга кўпдир. Бу даврда аҳоли умумий сонидан иш билан банд бўлганлар улуши тегишли равишда 1995 йилда 58,52 фоизни, 2018 йилда 61,5 фоизни ташкил этди (2-расм).

Бу вазият меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш бўйича иқтисодий субъектлар (уй хўжаликлари, давлат, фирмалар) ўртасида келишув йўқлигини исботламоқда, бу эса ушбу субъектлар манфаатларини мувофиқлаштириш механизмларини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради.



2-расм. Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони динамикаси ва аҳоли умумий сонидан иш билан банд бўлганлар улуши⁹


Бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозорида 13,6 миллион киши иш билан банд бўлиб, улардан 5,6 миллион нафари расмий ва 7,9 миллион нафари норасмий секторда, шу жумладан, 2,6 миллион киши меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилмоқда¹⁰. Миграция коэффиценти, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 7 фоизни ташкил қилади. Миграция коэффиценти Ўзбекистонда жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан (3,2 %) ва аҳоли жон бошига ўртача даражадаги даромад тўғри келадиган бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичлардан (2,7 %) икки баробар юқори. Визасиз тартиб, тарихий ўзаро алоқа ва рус тилини билиши туфайли ўзбек мигрантларининг катта қисми Россияга кетмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДХ) бошқа мамлакатлари (виза талаб қилинмайдиган Украина ва Қозғистон), Форс қўрφαзи мамлакатлари, Исроил ва Корея Республикаси ҳам, камроқ даражада бўлса-да, ўзбекистонлик ишчиларни ўзига жалб қилади. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги бешта эркакнинг биттаси халқаро мигрантдир. Ёшлар орасида бу улуш ошиб бормоқда. Миграциянинг бундай юқори суръатлари, бир тарафдан, Ўзбекистоннинг ички меҳнат бозоридаги сиёсат натижаси, бошқа тарафдан эса халқаро меҳнат бозорида ўзбекистонлик ишчиларга талаб катталиги билан изоҳланади. Ёшлар орасида миграция суръатлари айниқса юқоридир: 20–24 ёшдаги ҳар учинчи эркак–меҳнат мигрантдир. Аёлларнинг меҳнат миграцияси эркакларникидан анча паст. 3-расмда кўрсатилганидек, ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг 86 фоизи Россияда меҳнат қилмоқда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Муаллиф олиб борган сўровнома натижасида респондент мигрантларнинг 3/5 қисми ўрта махсус маълумотга эга шахслар бўлиб, сўнгги йилларда бу кўрсаткичнинг мунтазам ортиб бораётганлигини 3-расмда кўришимиз мумкин.




3-расм. Мигрантларнинг маълумоти даражаси бўйича маълумот, %

Сўнгги 8 йил мобайнида бу кўрсаткич деярли 2 баробарга ортди. Бу эса ўрта маълумотли мигрантлар улушининг деярли 2 баробар камайишига олиб келди. Динамиканинг бундай бўлишига асосий сабаб ташқи меҳнат миграциясида 30 ёшгача ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиси бўлган ёшлар улушининг кескин ортиб бориши билан изоҳланади. Одатда, тўлиқ ўрта ҳамда ўрта махсус маълумотли мигрантлар қишлоқ аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, олий маълумотли мигрантларнинг улуши ҳам мунтазам равишда ортиб бормоқда ва 2018 йилга келиб жами мигрантларнинг 7,7 фоизини ташкил этди. Олий маълумотли мигрантлар эса шаҳар аҳолиси тоифасида кўпчиликни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда иш ўринларини ташкил этиш суръатлари иқтисодий ўсиш суръатларидан ортда қолмоқда, бу вазиятни тузатиш Ўзбекистонда йирик капитал маблағларини талаб қилади. Аҳолининг катта қисми ишга жойлашиш имкониятига эга эмас, боз устига Ўзбекистон ёшлари анча танг аҳволда қолган – 20-24 ёшдагиларнинг тахминан 10 фоизи иш изламаяпти, чунки уни топиш умидини йўқотган.

Таҳлиллар натижасига кўра, Ўзбекистонда фуқароларга муносиб иш ҳақини кафолатлайдиган доимий иш ўринлари яратилиши давлат учун амалга оширилиши энг зарур бўлган омил сифатида намоён бўлди. Бу фикрни респондентларнинг 57,6 фоизи тасдиқлади (4-расм).

Бу фикрни кўпроқ Сирдарё (85,0 %) ва Жиззах (74,0 %) вилоятларидаги респондентлар қўллаб-қувватлади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, айнан шу вилоятларда ишлаб чиқариш объектларини кўпайтирган ҳолда муносиб иш ҳақи тўланадиган иш жойларини яратиш эвазига аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиши керак.



4-расм. Мигрантлар Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини олиб бориши учун давлат томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишлар, %

Яна бир эътиборли ҳолат меҳнат ресурслари, хусусан ёшларни, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Хусусан, мигрантларнинг 2/5 қисми шу фикрни илгари суришган.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси оқимлари соҳасида беқарорлик кузатилмоқда. Жумладан, 2013-2015 йилларда ҳам мамлакатга келган, ҳам ундан чиқиб кетган кишилар сони камайди. Пасайиш 2014-2015 йилларда Россия Федерацияси ва Ғарб мамлакатлари муносабатларида юз берган инқирозга боғлиқ. Бу ушбу мамлакатдаги иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатди. Ўзбекистон Республикасидан борадиган миграция оқимининг асосий қисми РФ га тўғри келиши туфайли (80 %) миграциянинг пасайишига Россияда юз берган жараёнлар сабаб бўлди.

Бироқ, республикамизда 2016 йилдан кейин юз бераётган ижобий иқтисодий ва сиёсий жараёнлар Ҳукуматлараро битимлар асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг Россия Федерациясида ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси шаклланишига олиб келди. Ушбу жараёнлар 2015-2018 йилларда мамлакатдан чиқиб кетганлар улушининг 6 фоизга ошишига, бу даврда келганларнинг улуши 14,5 фоизга камайишига олиб келди. Хусусан, 2020 йилда Россия Федерациясининг Красноярск ўлкаси, Татаристон Республикаси, Астрахань, Ростов, Ленинград, Новосибирск вилоятлари билан бандлик ва меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик келишувларини имзолаш ва биргаликда қатор тадбирларни ўтказиш кутилмоқда.

Мамлакатимизга келаётган миграция оқимлари ҳақида сўз юритилганда, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижда яшовчи

ватандошларимиз орасидан юқори малакали мутахассисларни ўз ватанида ишлашга жалб этиш ҳисобига мигрантларнинг республикага қайтиши 15 минг кишига кўпайди. Шунга ўхшаш тенденция мигрантларнинг чиқиб кетишида ҳам кузатилди, бунинг натижасида миграция оқими деярли ўзгармади.

Диссертациянинг «**Меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш**», деб номланган учинчи бобида, меҳнат миграциясининг давлат томонидан бошқарилишининг воситалари ва уларни такомиллаштириш йўллари, аҳолини муносиб иш билан бандлигини таъминлашда ХМТ билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ташкиллаштирилган меҳнат миграциясини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланган.

